

<i>Ташкилот номи:</i>	Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Бухгалтерия бўлими
<i>Танлов босқичи:</i>	Суҳбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (40 та савол)

1. Техникум ходими Г.Ю кассаллик варақаси бўйича унга иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида тўланган нафақанинг миқдори бўйича изоҳ берилишини сўради

2. Техникумнинг вояга етмаган З нафар фарзанди бўлган ходими А.Кга кассаллик варақаси бўйича 100 фоиз тўлов амалга оширилди. Ушбу тўлов тўғри тўлаб берилганми?

3. Андижон вилоятига хизмат сафарига юборилган техникум ходими А.К транспорт харажатлари бўйича хеч қандай хужжатлар тақдим қиласдан хисботида йўналишли таксидан фойдаланганлигини келтирган ва транспорт учун қилинган 200 000,0 сўм харажатини қоплаб беришини сўраб мурожаат қилган. Ушбу мурожаати бўйича қилинган 200 000,0 сўм транспорт харажати тўлаб бериладими?

4. Ходим М.Асланов ишга қабул қилинаётганда унинг вазифалари Кадрлар бўлими ва бўлим бошлиғи томонидан тўлиқ тушунтирилди. Ходимнинг шартномасида меҳнат фаолиятидан ташқари техникум фаолиятига тегишли ишлар ҳам шарт қилиб қўйилган эди. Бироқ ходим ҳар гал ўзига белгиланган вазифаларни талаб этилган даражада бажарсада, техникум фаолиятига тегишли ишларни бажармай келаверди. Ходим бунинг учун огоҳлантирилганига қарамасдан, вазият давом этаверди. У ўз йўналишидаги вазифаларни аъло даражада бажараётганини, қолган шартларни иш берувчининг талаб этишга ҳуқуқи йўқлигини иддао қиларди.

Вазиятга амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

5. Хоразм вилоятига хизмат сафарига юборилган техникум ходими Ж.Д хизмат сафари давомида турар жойни ижарага олганлик бўйича харажатларни тасдиқловчи хужжатлар тақдим этмаган лекин у хисботида Ургенч шаҳридан 2 хонали квартирани 4 суткага 800 000,0 сўмга ижарага олганлигини кўрсатиб ўтган ва ушбу суммани тўлаб беришини сўраб мурожаат қилган. Ушбу мурожаати бўйича қилинган 800 000,0 сўм турар жой харажати тўлаб бериладими?

6. Самарқанд вилоятига бюджет маблағлари хисобидан хизмат сафарига юборилган техникум ходими Ж.Д хизмат сафари давомида меҳмонхонанинг люкс номерида яшаган. У томонидан тақдим қилинган хужжатлар асосида ушбу меҳмонхона харажатининг 70 фоизи бюджет маблағлари хисобидан тўлаб берилди. Лекин ходим Ж.Д меҳмонхона харажатларининг қолган 30 фоизини тўлаб беришини сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат бўйича қолган 30 фоиз меҳмонхона харажатларини бюджет маблағларидан тўлаб бериладими?

7. Техникум ходими Л.К 4 кунга Россия давлатининг Москва шаҳрига хизмат сафарига юборилди. У томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва хисботларида меҳмонхонанинг суткалик харажати 150 АҚШ доллари эканлиги кўрсатилган. Унинг тақдим қилган ҳужжатлари ва хисботи бўйича меҳмонхона харажати учун ҳар бир суткаси учун 150 АҚШ долларидан тўлов амалга ошириладими?

8. Фуқаро К.Л. асосий иш жойидан ташқари қўшимча яна 2 та ташкилотда ташки ӯриндош асосида ишлайди. Ушбу ташкилотларнинг ҳар бирида ойлик иш ҳақидан 12% даромад солиғи ушлаб қолинади.

Бундай ҳолатда фуқаро К.Л. йиллик даромадлари ҳақида Солик органларига декларация топширадими?

9. Ходим бу йилнинг хисобидан меҳнат таътили олган. Ишламаган кунлар учун тўланган пулларни қайтариш керакми?

10. Бюджет ташкилотида ишловчи ходим қариндошининг тўйида қатнашиш учун раҳбариятдан оғзаки рухсат олиб икки кун ишда бўлмади. Ишда бўлмаган икки кунига иш-ҳақи тўлаб бериладими?

11. Бюджет ташкилоти шаҳсий ҳисоб рақамига ижро ҳужжати билан касса ҳаражатига чеклов қўйилганлиги сабабли ходимлар иш-ҳақи тўлаб берилмаслиги мумкинми?

12. Ходим 2017 йилда ўқитувчи лавозимида ишга кирди. 2019 йил февраль ойида ҳомиладорлик таътилига чиқди ва иш берувчи томонидан ҳомиладорлик ва туғиш таътил пуллари 100 фоиз миқдорида тўлаб берилди. 2021 йил январь ойида ходим иккинчи фарзанди учун ҳомиладорлик таътили варақаси келтириб иш берувчидан тўлаб беришни талаб қилди. Ходимнинг талаби тўғрими?

13. Ходимнинг ишлаган охирги 6 ой давомида УзАСБО программаси томонидан автоматик равишда ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб, нотўғри тўлов амалга оширилган. Кейинчалик ташкилот ҳисобчиси томонидан камчилик аниқланиб ходимнинг розилигисиз 2 ой давомида ойлик иш ҳақининг 100 фоиз миқдорида ортиқча тўланган сумма ушлаб қолинган. Ушбу вазиятга баҳо беринг?

14. Бюджет ташкилоти ходими навбатдаги меҳнат таътилига чиқиб, меҳнат таътили вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдоридаги маблағларини олган. Меҳнат таътили вақтида иш хажмининг ошиши маълум тадбирларни ўз вақтида қилиш мақсадида буйруқ асосида таътилнинг қолган кунларини бошқа даврга ўтказиш шарти билан чақириб олишган. Шунда, ходимнинг меҳнат таътили даврида ишлаган кунларига қандай тартибда иш ҳақи тўлаб берилади?

15. Техникум ходими ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқди. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан сўнг ходим меҳнат таътилига чиқди. Кадрлар бўлими ходимга асосий ишлаган 8 ойи ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш таътилида ўтирган даврини яъни 4 ойни қўшиб жами 12 ой учун 48 кундан иборат меҳнат таътили бериш тўғрисида буйруқ қабул қилиб, ҳисобхонага тақдим қилди. Ҳисобчи томонидан ходимга таътил пули ҳисоблашда асосий ишлаган 8 ой даври учун 32 кун меҳнат таътили куни учун

ҳақ тўлаб бериб, ҳомиладорлик ва туғиши таътилида ўтирган 4 ойи яъни 16 кун учун ҳақ тўламади. Мазкур ҳолатда хисобчи тўғри ҳисоб-китоб қилганми ёки нотўғри?

16. Бухгалтер 12 ёшга тўлмаган уч нафар боласи бор аёл ходимга берилган қўшимча таътил учун тўловни меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида тўлаган ва тегишли тартибда даромад солиқларини ушлаб қолган. Ходим бухгалтердан мазкур тўлов учун солиқ имтиёзлари борлигини айтиб эътиroz билдирган. Бухгалтер қўшимча таътил учун тўловларни тўғри ҳисоблаганми?

17. Ходим бюджет ташкилотига 2021 йил январь ойида ишга қабул килинди. сентябрь ойида ҳомиладорлик ва туғиши таътилига чиқиш бўйича меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тақдим қилган. Ушбу ҳолатда ходимга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича 50 фоиз нафақа пули тўлаб бериладими?

18. Ходим жорий 1-ноябрь кунидан ишдан бўшатилди. 1-ноябрь куни ўз вазифасини бажармасдан фақат ҳужжатларини олиб кетди ва 1-ноябрь кунига иш-ҳақисини талаб қилди. Ходим талаби қонунийми?

19. Ходим ўтган даврлар мобайнида доимий меҳнат таътиларидан фойдаланиб келган. 2021 йил июнь ойида 2020 йил ноябр ойидан 2021 йил ноябрь ойигача бўлган иш даври учун меҳнат таътилига чиқган. Ходим 2021 йил 10 ноябрь кунидан ишдан бўшаш хақида ариза билан ташкилот раҳбарига мурожаат этди. Ташкилот раҳбари томонидан ходимнинг аризаси қўриб чиқилиб 10 ноябрь кунидан ишдан бўшатиш хақида буйруқ расмийлаштирилди. Буйруқда ходимнинг фойдаланилмаган меҳнат таътили кунларига конпенсация тўлаш хисобчига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Бироқ, ташкилот хисобчиси томонидан фойдаланилмаган меҳнат таътили учун конпенсация тўлови тўлаб берилмаган. Ташкилот хисобчиси хатти харакати асосслими?

20. Ходим ҳомиладорлик ва туғиши таътилига чиқди ва унга ҳомиладорлик ва туғиши таътили пуллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2699-сон қарорига мувофиқ нафақа хисобланди ва тўлов амалга оширилди. Бунда ушбу ходимнинг нафақа пулидан хеч қандай ушланмалар ушлаб қолинмасдан тўлиғича ходимнинг пластик карточкасига ўтказиб берилди. Ушбу тўлов тўғри амалга оширилганми?

21. Ташкилот раҳбари ташкилотда яроқсиз ахволга келган асосий воситаларни юқори турувчи ташкилот рухсатисиз, комиссия далолатномаси орқали ҳисобдан чиқариш бўйича фармойиш чиқарди, бироқ бош ҳисобчи “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги низом (2004 йил 29 август, рўйхат рақами 1401) га мувофиқ юқори турувчи ташкилот рухсати лозимлиги тўғрисида ташкилот раҳбарига ёзма ахборот киритди. Ташкилот раҳбари ахборотга қарамай қайта ёзма фармойиш берди. Бундай вазиятда бош ҳисобчи қандай йўл тутиши лозим?

22. Бюджет ташкилотнинг 4 йил олдин амалга оширган хариди юзасидан кредиторлик қарзи мавжуд. Бюджет ташкилот ушбу кредиторлик қарздорликни белгиланган тартибда давлат бюджети даромадига ўтказди. Бироқ ҳақдорлиги бор ташкилот мавжуд қарзини узиши ёки судга мурожаат

қилиш юзасидан ташкилотга хат юборди. Бундай вазиятда бюджет ташкилоти қандай йўл тутиши лозим?

23. Бюджет ташкилоти автомашиналарни жорий таъмирлаш хизмати бўйича А фирма билан 8 млн. сўмга шартнома имзолаган. А фирма олдиндан 15% эмас 30% аванс маблағи тўлаб беришни талаб қилди. Бу вазиятда бюджет ташкилоти ҳисобчиси А фирманинг талабини бажариши қонунийми?

24. Ташкилот Б фирмадан товар олиш учун ишончли шахсга ишончномани электрон кўринишда расмийлаштириди. Бундай вазиятда Б фирма товарни электрон ишончномага асосан ишончли шахсга бериши мумкинми?

25. Ташкилотнинг моддий жавобгар шахси зиммасидаги барча товар-моддий бойликлар мавжудлиги ва ҳар йили ўтказиладиган инвентаризацияни 2 йилда бир маротаба ўтказишни сўраб ташкилот раҳбарига билдириги киритди. Ушбу ҳолат бўйича қандай қарор қабул қилиш лозим?

26. Ташкилот балансидаги автомобиллар учун ёқилғи маҳсулотларини олиш учун нефтбаза билан йиллик шартнома имзолади. Нефтбаза ёқилғини шартнома суммасининг тўлиқ тўласагини беришини билдириди. Унинг талаби тўғрими?

27. Ижаравчи томонидан ижарага олинаётган амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлган мол-мулкнинг тикланиш қийматининг 15 фоизи миқдорида ижара шартномасини тузишни сўраб мурожаат қилди. Унинг ушбу мурожаати қаноатлантириладими?

28. Техникумнинг Ёшлик овқатланиш биносини ижараси бўйича 2020 йилда “Premium Amirkzoda” МЧЖ билан Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси орқали йиллик ижара шартномаси тузилган. Ижаравчи “Premium Amirkzoda” МЧЖ 2021 йил ижараси учун 2020 йилда тузилган шартномани узайтириш бўйича мурожаат қилди. Ушбу ижаравчининг мурожаати бўйича 2020 йилда тузилган шартнома бўйича 2021 йил учун аукционсиз шартнома тузилса бўладими?

29. Ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов – контракт) хисобидан Ахборот ресурс маркази билдиригисига асосан юридик адабиётлар сотиб олинди ва ташкилотда бухгалтериясида 069-“Бошқа товар-моддий захиралар” счётига кирим қилинди, бунда бухгалтерия хисобининг счёtlар режаси тўғри қўлланилганми?

30. Техникум томонидан амалга ошириладиган чет эл валютасидаги пул ўтказмаларини тижорат банклари орқали амалга ошира оладими?

31. Техникумга тижорат банклари томонидан бўш турган маблағларини юқори фоиз билан депозиттга жойлаштириш бўйича таклифлар келиб тушди. Ушбу ҳолатда техникум томонидан тижорат банкларини таклифлари бўйича танлов ўтказиб энг мақбул таклиф берган тижорат банки билан шартнома расмийлаштириб вақтинча бўш турган маблағларини депозиттга жойлаштира оладими?

32. Техникумда тўлов-контракт асосида таълим олаётган 2 курс ўқувчиси X.Рининг контракт тўлови НИ МЧЖ томонидан тўлаб берилди. X.Р техникумни

битирганида маркетинг бўлими билан хисоб-китоб қилганида 475 800,0 сўм ортиқ тўлови мавжудлиги аниқланди. Шундан сўнг ўқувчи ушбу контракт тўловидан ортиқча маблағни унинг пластик карточкасига кайтариши сўраб мурожаат қилди. Унинг мурожаати бўйича техникум бухгалтерияси ортиқча тўлов НН МЧЖнинг ёзма мурожаатига асосан фақат контракт тўловни амалга оширган ушбу ташкилотга қайтарилишини маълум қилди. Юқоридаги ҳолат бўйича техникум бухгалтериясининг жавоби тўғрими?

33. Шартномага асосан харид қилинадиган товарлар етказиб берилди лекин, электрон шаклдаги ишончномани техник сабабларга кўра расмийлаштириш имкони йўқ. Бухгалтер томонидан шу ўринда ишончномани қоғоз шаклида расмийлаштирди ва товарлар қабул қилиб олинди. Бухгалтер томонидан ишончнома тўғри шаклда расмийлаштирилдими?

34. Техникумнинг ўтган йилдаги тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан келиб тушган дебитор қарздорлиги жорий йилда ғазначилик томонидан 4004- ўтган йиллардаги дебитор қарздорлик шаҳсий ҳисоб рақамига туширилди ва бюджет даромадига олинди. Ушбу вазиятда Ғазначиликнинг ҳаракати тўғрими?

35. Ташкилот коменданти бошқа ишга ўтди ва ўрнига янги ходим ишга олинди. Ушбу вазиятда ташкилотнинг инвентаризация комиссияси инвентаризация ўтказиш лозимлигини маълум қилди. Бироқ, сабиқ комендант моддий жавобгарлигидаги товар-моддий қийматликларни янги ходим билан биргаликда санаб чиқишиганини, ўзаро келишиб олишганини ва инвентаризация ўтказишга ҳожат йўқлигини айтди. Ушбу вазиятда қандай чора кўрилиши лозим?

36. Ташкилот бухгалтери ташкилотдаги мавжуд асосий восита бўлган ахборот технологияларига йиллик 20% эскириш ҳисоблаб борди. 5 йилдан сўнг эскириш суммаси ушбу асосий воситалар баланс қийматининг 100%ни миқдорига етди, бироқ улар фойдаланишга яроқли эканлиги туфайли бухгалтер эскириш ҳисоблашни давом эттируди. Ушбу вазиятда бухгалтернинг асосий воситалар учун эскириш ҳисоблашни давом эттириши тўғрими?

37. Ташкилот бухгалтери 2021 йил 1-январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳоламади. Шу йилнинг март ойида ташкилот молиявий фаолиятини текшириш учун келган мутахассис ушбу ҳолатга эътиroz билдириди ва бухгалтернинг хатоси сифатида далолатнома тузди. Бироқ бухгалтер тўғри иш қилганлигини таъкидлади. Ушбу ҳолатда кимнинг ҳаракати нотўғри?

38. Бюджет ташкилоти ривожлантириш жамғармасига ташкилотнинг фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда кўрсатилган хизматлар бўйича келиб тушган мублағларни ташкилот учун янги мабел сотиб олишга йўналтириш бўйича ташкилот раҳбари буйруғи қабул қилинди ва бу бўйича шартнома имзоланди. Бироқ, шартномани ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатдан ўтказилмасдан қайтарилди. Бунга сабаб қилиб ташкилотнинг электр энергиясидан муддати ўтган кредитор қарздорлиги мавжудлиги ва ўша қарздорликни бартараф этсагина ушбу маблағлардан фойдаланиши мумкинлигини маълум қилди. Ташкилот бухгалтери бунга эътиroz билдириди ва ташкилотнинг ривожлантириш жамғармаси маблағларини ташкилот эркин

тасаррүф этиш хуқуқига эга эканлигини таъкидлади. Ушбу вазиятда ғазначилик бўлинмасининг ҳаракатлари қонунийми?

39. Ташкилот 2021 йил 1 январь ҳолатига асосий воситаларни қайта баҳолади. Солиқ органи ушбу ташкилотга асосий воситаларни қайта баҳоламасликни, чунки қайта баҳолашни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4938-сон қарорига асосан бекор бўлганлигини маълум қилди. Ушбу вазиятда ташкилот бухгалтери ўтказилган қайта баҳолашни бекор қилиши керакми?

40. Ташкилот белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан тўғридан-тўғри тузилган шартномани Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказиш учун UzASBO дастури орқали электрон юборди. Бироқ, Ғазначилик ходимлари қоғоз кўринишидаги шартнома ва қоғоз кўринишида тўловлар жавдалини тақдим этмагунча шартномани рўйхатдан ўтказмасликларини билдириди. Ушбу вазиятда Ғазначилик бўлинмаси ходимларининг ҳаракати қонунийми?